КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 72 (7212). 12 апрель, 1980 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.



Суратларда: (чапдан) моҳир пахтакор, илғор бригада бошлиғи Жуман Сайдаев мусобақадоши Худойберди Сиддиқов билан ерга-ер қўшиш соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашмоқда. Бригадир Пардавой Бурхонов (ўнгда) колхоз раиси Саидвали Абдуллаевга чигит экишнинг боришн тўғрисида маълумот бераяпти.

П. Эргашев фотолари.

КЎРКАМ ДАЛАЛАР

Айни кунларда далаларнинг файзи, кўрки, шукуҳи ўзгача. Баҳор ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқда. Қир ва адрлар майса гиламлар билан безанган. Ариқ бетлари кўм-кўк. Деҳқоннинг қўли-қўлига тегмайдиган, ҳар дақиқаси олтинга тенг дамлар. Экишни тез ва соз ўтказиш учун қулай имкониятдан унумли фойдаланиш керак.

Колхоз раиси Саидвали Абдуллаев экиш олдидан бўлиб ўтган актив йиғилишида бу гапларни алоҳида таъкидлади.

— Сизларга ўргатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — деди у, — бригада бошлиқлари, механизаторлар билан суҳбат ўтказар экан. — Техника шай, уруғлик тайёр, ер ҳам кўпчиб турибди. Энг муҳими сифатга эътибор бераилик.

Ўша куни чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган зарур тадбирлар белгилаб чиқилди. Ҳар бир бригадага колхоз правлениеси ва партия комитети аъзоларидан бир киши бириктириб қўйилди. Улар кун бўйи дала кезадилар. Ишнинг қандай боришини кузатадилар. Кечқурун эса бу ҳақда правлениега ахборот берадилар.

Одатдагидек раис ҳам дала кезиб юрибди. У тушга яқин колхознинг Пардабой Бурхонов бригадасига етиб келди.

Пардабой ака колхозда узоқ йил механизатор бўлиб ишлади. Техника билан тиллашиш, ундан унумли фойдаланишнинг «сир»ларини яхши эгаллаб олди. Ўтган йили эса уни бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди. Бир йилнинг ичидаёқ ҳосилдорликни 10—12 центнерга оширишга муваффақ бўлди.

Октябрь революцияси ордени кавалери Бурхонов бу йил 40 центнерлик марраяи кўзламоқда. Картлар экишга кафтдек қилиб тексланган эди. Раис механизатор Алиқул Умурзоқов ва сеялкачиларнинг ишидан мамнун бўлди.

— Лекин бир нарсани унутибсиз, — деди у, бригадир билан суҳбатлашар экан, — культиваторга қўшимча орган ғозпанжа ўрнатинг. У ғилдирак баллони зичлаштириб, из қолдириб кетаётган тупроқни юмшатиб кетади. Акс ҳолда ёмғир ёғадиган бўлса, бу ишлардан сув юради, кейин иш қийинлашади.

Бригадир раснинг танқидини тан олди. Дарҳол бу камчиликнинг олдини олишга сўз берди.

Раис қўшни бригада далаларига ўтди. Кўп ўтмай у Жуман ака Сайдаев пахтакорларига етиб келди.

Бу ерда иш қизғин. Бир томонда чизель юргизилиб, ерлар борона қилинмоқда. Беш-олти колхозчи бегона ўт илдизларини териб юрибди. Ён картада эса экиш агрегатлари гуриллаб ишлаб турибди. Раис бу ердаги жўшқинликдан ғурурланди. Ҳар бир касб эгаси ўзи бажараётган ишидан завқ олиши керак. Ана шунда унинг меҳнати унумли ва сифатли бўлади. Жуман ака ана шундай деҳқонлардан эди. У ҳар йили маррага барвақт етиб келади. Қийинчиликлардан чўчимайдиган, бугунги ютуқ эртанги марра бўла олмаслигини астойдил ҳис қиладиган коммунист.

Колхоз правлениеси унинг бу фазилатини яхши билади. Шунинг учун ҳам эрта баҳорда ўтган йили сабзавот экилган мана бу пайкалларни унинг бригадаси ерларига қўшиб беришга аҳд қилишди. Ҳам алмашлаб экилади, ҳам бурчак ерлар, ўнқир-чўнқир сойликлар текисланиб, ўзлаштирилиб, ер-ер қўшилади.

Жуман ака раис билан ана шу ҳақда суҳбатлашиб турган эди унинг мусобақадоши Худойберди Сиддиқов келиб қолди.

Худойберди колхоз правлениеси аъзоси. Саккиз йилдан буён коллективга етакчилик қилиб келмоқда.

У устозига қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Эски каналнинг ўрни икки картани ажратиб турганди. Тракторлар бу сойликнинг устидан ва тагидан тупроқни суриб текислаяпти.

— Ҳув анави тепаликни ҳам кўряпсанми, — қўлини бошига соябон қилиб узоққа тикилар экан, сўради Жуман ака.

— Шундай бўляпти. — бироқ сув чиқмай қийнаб қўймасмикин, — деди Худойберди.

— Сув, албатта, чиқади, — деди Жуман ака. Бульдозерчиларнинг ишидан ўзинг бохабар бўлиб тур.

— Хўп бўлади, — деди Худойберди.

Биз пахтакорнинг иш тажрибалари билан қизиқдик.

— Менинг бригадамнинг ерлари, — деди Жуман ака, — кўпроқ қир-адр, қия ерлар. Шунинг учун ишни бошидан пухта қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар гектар ерда кам деганда 140—150 мкг туп кўчат бўлиши керак.

Бригадир шу гапларни айтар экан, энгашиб, бир сиқим тупроқни кўлига олди. Билқиллаб, чигит эса тўлқинлиб, шишиб турибди. Нам теккач, ер қизиб берса борми, икки-уч кунда тупроқни ёриб чиқади...

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари ўтган йили районда биринчилар қатори планни бажариб, ҳар гектаридан салкам 36 центнердан хирмон кўтарган эдилар. Бу йил 37 центнер учун кураш кетяпти. Ҳосилдорликни ошириш — энг аввало деҳқончилик маданиятини юксалтиришга боғлиқдир. Тажрибакорлар, мутахассислар ҳисоб-китоб қилиб кўришди. Салкам 200 гектар ер вильт билан иккинчи даражали зараркунанда бошлаган эди. Бу ерларни алмашлашга мақкажўхори, ковун-тарвуз ва бошқа сабзавот экинлари экишга қарор қилдилар.

Чигит экишдан олдин карта четлари, ортиқча йўллар ҳайдалиб, зовурлар текисланиб, салкам 15—20 гектар ерга ер қўшилди. Қир ерларга насос орқали сув чиқариладн. Бу ишга ҳам пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

Колхознинг Х. Сиддиқов, Ж. Сайдаев, П. Бурхонов ўртоқлар бошлиқ бригадалари дала ишларида пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳаммаёрда меҳнат авжида. Мўл ҳосилга пухта замин яратилаётир.

Н. РИХСИЕВ.

ПАРТИЯ ИШИ, ХАЛҚ ИШИ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китобларн совет давлати мавжудлигининг энг муҳим даврларида совет халқи қаҳрамонларча жасорати тўғрисидаги ёркин қисса бўлиб қолди. Бу асарлар партиянинг кўп қиррали ташкилотчилик фаолиятини, энг мураккаб проблемаларга ленинча ёндошиш хусусиятларини, ишда ленинча услуб моҳиятини очиб беради.

«Партия иши, халқ иши манфаатлари йўлида» номи билан нашр этилган китобда КПСС Марказий Комитетн Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга шу асарлар учун, тинчлик йўлида қормай-толмай курашганлиги учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ленин мукофотн бериш тўғрисидаги қарорн, Москва меҳнаткашлари вакилларининг шу мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилишида Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ, йиғилиш иштирокчиларининг нутқлари киритилган.

Китобни Скёсий адабиёт нашриётн чоп этган.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунлик ўсиш, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	13	82
Оққўрғон	15	66
Бўка	15	54
Чиноз	14	53
Янгийўл	13	43
Пискент	14	42
Ғалаба	20	41
Коммунистик	19	38
Ўрта Чирчиқ	18	31
Область бўйича:	16	53

ОРБИТАДА ОДАМ БОШҚАРАДИГАН «САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-35» — «ПРОГРЕСС-8» КОМПЛЕКСИ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1980 йил 10 апрель куни Москва вақти билан соат 18 дан 16 минут ўтганда «Союз-35» космик кемаси орбитадаги «Салют-6» —«Прогресс-8» комплекси билан туташтирилди.

«Союз-35» кемаси станцияга ўтиш бўлмаси томонидан туташди. Космонавтлар Леонид Попов билан Валерий Рюмин туташтириш узелининг маҳкам беркилганини текшириб кўрганларидан кейин ички туйнукларни очиб, станция ичкарисига ўтдилар. Ер атрофи орбитасида одам бошқарадиган «Салют-6» — «Союз» — «Прогресс» илмий тадқиқот комплекси яна ишлай бошлади.

«Салют-6» илмий станцияси икки ярим йилдан кўпроқ вақтдан бери учиб юрибди. Шу давр ичида космонавтика тарихида энг узоқ давом этган 96, 140 ва 175 кунлик экспедициялар программалари муваффақиятли бажарилди ва космонавтлардан иборат тўртта экспедиция унга борнб келди.

«Салют-6» станциясини ишлатиш жараёнида одам бошқарадиган комплексни «Прогресс» автомат юк ташиш кемалари ёрдамида таъминлашнинг принципиал янги системаси синовдан ўтказилди, «Прогресс» кемалари орбитага етарли миқдорда ёқилғи, асбоб-ускуна, аппаратлар ҳамда экипажнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ва эксперимент-лар ўтказиш учун зарур бўлган материаллар элтиб берди.

«Салют-6» орбитал станциясининг узоқ вақт актив ишлатилишига уни лойиҳалаш пайтида қабул этилган конструктив ва техникавий ечимлар, шунингдек учиш давомида космонавтлар ўтказган ремонт-профилактика тадбирлари туфайли эришиш мумкин бўлди.

«Салют-6» станциясининг учиши давомида совет ҳамда халқаро экипажлар тадқиқот ва экспериментларнинг катта программасини бажардилар.

Орбитада одам бошқараётган илмий-тадқиқот комплекси ичида космонавтлар «Прогресс-8» кемасининг юкини тушириб оладилар ҳамда бирлашган двигатель қурилмасига келтирилган ёқилғини ғамлаб қўядилар.

Станция ичидаги системалар ва автоматлар қўшимча равишда текширилгандан кейин экипаж зарур профилактика тадбирларини бажариш ҳамда станцияни бундан буён ишлатишни таъминлайдиган айрим приборлар ва қурилмаларни алмаштиришлари лозим.

Станция ичидаги ишларнинг илмий программаси ернинг табиий ресурсларини ўрганишни, технология, астрофизика ва техника экспериментлари, медицина-биология тадқиқотлари ўтказишни кўзда тутади.

Экипаж планлаштирилган учиш программасини бажаришга киришди.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1980 йил биринчи квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари **Қорақалпоғистон АССР**, Сурхондарё областининг **Қумқўрғон район**и, Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Жиззах балиқ комбинат**ида қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Самарқанд областига;

Тошкент областининг **Бўка райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Содиков)га. Бу район март ойида энг кўп маҳсулот тайёрлашни таъминлаган ҳамда давлатга гўшт сотиш ярим йиллик ҳажмини 136 процент, сут тайёрлаш квартал ҳажмини 131,9 процент, давлатга тухум сотиш уч квартал ҳажмини 108,9 процент бажарган.

Хоразм областининг **Хива районига**, Андижон область **Олтинкўл районидаги Тельман номли колхозга**, Сирдарё область **Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозга**, Бухоро область **Қоракўл районидаги «Искра» колхозига**, Наманган область **Поп районидаги В. И. Ленин номли территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасига**, Қашқадарё область **Нишон районидаги У. Юсупов номли совхозга**, Самарқанд областининг **Самарқанд паррандачилик фабрикасига;**

Тошкент областининг **Калинин районидаги «Ўзплодоовощчинпром» бирлашмасига қарашли «Қорасув» совхозига** (директори ўртоқ Албеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ёқубова, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Нишонов). Бу совхоз энг кўп маҳсулот тайёрлашни таъминлаган ва давлатга гўшт топшириш ярим йиллик планини 131 процент, сут топшириш квартал планини 114 процент бажарган;

Қорақалпоғистон АССР **Тахтакўпир районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Фрунзе номли совхозга**, Фарғона областидаги **Охунбобоев район матлубот жамиятининг** молларни сўқимга боқиш хўжалигига.

ИНЖЕНЕР КАДРЛАР МАСКАНИ

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ 50 ЁШДА

Республика жамоатчилиги Ўрта Осиёда энг катта ва мамлакатнинг етакчи институтларидан бири — Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Институтни битириб чиққан кишилар халқ хўжалиги ва илм-фаннинг ҳамма соҳаларида меҳнат қилмоқдалар, деса бўлади. Бу — катта ва қувончли воқеа, республикамиз олий мактаби ходимлари кўп минг кишилик армиясининг тўлқинлантирувчи байрамидир.

Тошкент Давлат университети инженерлик-мелиорация факультети негизида ташкил этилган политехника институти қисқа муддат ичида Ўрта Осиё республикаларининг ривожланаётган индустрияси кўпгина тармоқлари учун юксак малакали техник кадрлар тайёрлаш маркази бўлиб қолди. Ҳар йили ТошПИни салкам 5 минг ёш инженер битириб чиқмоқда. Институтнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги, Совет Иттифоқи барча халқларининг, даставвал рус халқининг холисона кардошлик ёрдами туфайли бунга имконият яратилди.

Политехник студентлар 35 минг кишилик армияси орасида қарийб олтмиш миллат вакиллари бор. Уларнинг сафида чет эл ёшлари ҳам оз эмас. Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги салкам қирқ мамлакат ўз студентларини инженерлик касбларига ўқитмоқ учун Ўзбекистон пойтахтига юборади.

Батан олий мактаб коллективининг меҳнатини юксак баҳолади. Тошкент политехника институти инженер кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари учун ҳукуматнинг юксак мукофоти — Халқлар Дўстлиги орденига сазовор бўлди. Бу — партиямиз, Совет ҳукумати, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев социалистик фан ва маданиятни равнақ топтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи яна бир далилдир.

11 апрель куни Санъат саройида Тошкент политехника институтининг эллик йиллигига ва унга ҳукумат мукофотини топширишга бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. ТошПИ ва Тошкентдаги бошқа институтларнинг студентлари ва ўқитувчилари, жамоатчилик, партия, совет, комсомол органларининг вакиллари, кўпдан-кўп меҳмонлар залга тўпланишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан мажлиснинг фахрий президиумига сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Тошкент политехника институти профессор-ўқитувчиларини, ишчи ва хизматчилари, студентлари коллективини институт ташкил этилган кунининг 50 йиллиги ҳамда Ватанининг юксак мукофоти билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан қизғин ва самимий муборакбод этди.

Институт юбилейи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида нишонланаётганлиги чуқур рамзий маънога эга, дейди у. Ўзбекистон, барча кардош республикаларнинг меҳнаткашлари Совет Шарқидаги олий таълим ва илм-фаннинг сарчашмасида В. И. Ленин турганлигидан бехад фахрланадилар. Ленининг декретига биноан ташкил этилган ва бу йил 60 ёшга тўлаётган Тошкент Давлат университети ўлкамиз халқлари ҳаётида маориф, илм-фан, маданият юксалишига, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий турмушнинг равнақ топишига асос солди.

Шундан кейинги йилларда ТошДУ негизида Ўрта Осиёнинг кўпгина олий ўқув юртлари, шу жумладан Совет Шарқида олий техника таълимининг тўнғичи бўлган Тошкент политехника институти ҳам ташкил этилди. Ҳозирги вақтда республикамизда 43 та олий ва 213 та ўрта махсус ўқув юртлари бор. Буларда 500 мингдан кўпрок киши таълим олмоқда. Тошкент политехника институти ташкил этилгандан буён ўтган йиллар мобайнида халқ хўжалигининг 65 тармоғи учун салкам 75 минг юқори малакали мутахассис тайёрлаб берди.

Институтни битириб чиққан кўпгина кишилар таниқли олим бўлиб етишдилар. 30 дан кўпрок академик ва мухбир аъзолар, юздан зиёд фан доктори ва 1000 нафар фан кандидатлари шулар жумласидандир. Институтда таълим олган кишилар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидан 8 киши, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреатларидан 42 киши, республика Давлат мукофотларининг лауреатлари бўлган кирқдан кўпрок киши бор. Қарийб тўрт юз киши республиканинг Фахрий унвонларига сазовор бўлган.

Илмий педагог ходимлардан салкам икки ярим минг киши, шу жумладан 39 фан доктори ва 736 фан кандидати студентлар орасида кўп қиррали таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бу — аҳил, жипслашган коллектив бўлиб, илм-фанни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди. Бу ерда кейинги ўн йил ичидагина 700 мавзу бўйича хўжалик шартномаси асосидаги ишлар бажарилди, шуларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 58 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришга зўр эътибор бермоқдалар. Бу эътибор олий мактаблар ва техникумларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, педагогларнинг маҳоратини, мутахассисларнинг ролини ошириш, бутун таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш тўғрисидаги ғамхўрликда ўз ифодасини топмоқда. Политехника институтининг ўқув, илмий ва моддий базасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам махсус қарор қабул қилинган.

Олий мактаб олдида таълимнинг мазмуни ва методларини доимо такомиллаштириш, студентларга мустақил тадқиқотчилик иши мустаҳкам кўникмаларини сингдириш, уларда ижодий фикрлашни ривожлантириш вазифаси турибди.

Илмий тадқиқот фаолиятини кенгайтиришда, унинг назарий савиясини оширишда олий ўқув юртларининг илмий потенциалини юксалтиришнинг реал имкониятлари мавжуддир. Олий ўқув юртларининг академияларга ва тармоқларга қарашли илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш илмий ишлар самарадорлигини ўстиришга, унинг натижаларини моддий ишлаб чиқариш соҳасига ва таълим-тарбия жараёнига жорий этилишига эришиш лозим. Бугунги куннинг талаби ана шундай.

Бўлажак мутахассислар республика экономикаси олдида умумий қандай проблемалар турганлигини яхши билишлари керак. Билибгина қолмай, балки ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалиги ва маданиятни янада юксалтириш йўлидаги курашга ўзлари қандай ҳисса қўшажаклари тўғрисида ўйлашлари ҳам керак.

Республика олдида эса мураккаб ва катта миқёсдаги вазифалар турибди. Партия ва комсомол ташкилотлари, профессорлар ва ўқитувчилар шуни ҳамиша ёдда тутишлари керакки, республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, фан-техника, маданиятни тараққий эттириш, унинг ажойиб эртанги куни олий мактабларни битириб чиқувчиларнинг тайёргарлик савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ш. Р. Рашидов СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшитириб, Халқлар Дўстлиги орденини гулдурос қарсаклар остида институт байроғига қадаб қўйди.

Тошкент политехника институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор К. С. Аҳмедов минбарга чиқади. У юксак мукофот учун олий мактабнинг кўп минг кишилик коллективи номидан Коммунистик партия ва совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Бу мукофот таълим ва тарбия жараёнини яхшилашда кучгайратни кўпайтириш, илмий-тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини оширишга эришиш мажбуриятини юклайди. Мамлакат учун юксак малакали инженерлар, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиларини, партиянинг илмий-техника сиёсатини оғишмай амалга оширувчи ватанпарвар — интернационалистларни тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртининг ишини муттасил такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиков сўзга чиқади. У коллективни юбилей ва юксак мукофот билан самимий табриклаб, политехника институтида кадрлар тайёрлаш соҳасидагина катта ишлар амалга оширилиб қолмай, шу билан бирга фан ва техникани ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшилаётганлигини таъкидлади. Олий ўқув юртида фойдали қазилмалар геологияси, разведкаси ва уларни казиб чиқариш, энергетика, электроника ва ҳисоблаш техникаси, химия ва химия технологияси ҳамда бошқа соҳаларда фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов ТошПИнинг шонли анъаналарини унинг негизида вужудга келган тўқимачилик ва енгил саноат институти, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, автомобиль йўл қурилиши институти, Фарғона политехника, Самарқанд архитектура-қурилиш, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтлари шараф билан давом эттирмоқдалар, деб таъкидлади.

Бауман номли Москва олий техника билим юртининг профессори В. И. Стрельцов Тошкент политехника институти коллективига мамлакатнинг турдош олий ўқув юртлари номидан гоят кизғин қутловлар топширди. У Москва олий техника билим юрти билан ТошПИ ўртасидаги анъана бўлиб қолган ижодий алоқаларга тўхталди. Дўстлик ва ўзаро ёрдам партия XXV съезди ўртага қўйган муштарак вазифани муваффақиятли ҳал этишга — юксак малакали инженерлар, ишлаб чиқаришнинг чинакам командирларини тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини яхшилашга кўмаклашади.

— Ватанимиз юксак мукофотига жавобан, — деди ТошПИ самолётсозлик факультетининг тўртинчи курс студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Г. Исроилова, — биз бундан буён ҳам аъло ўқиб, астойдил Меҳнат қилаверамиз, жонажон Ленин партияси теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашамиз. Коммунистик партия совет ёшларини мамлакатнинг ижтимоий сиёсий ҳаётига жалб этишга катта аҳамият бермоқда. Биз ҳам инженер бўлганимиздан кейин коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Ўзимизнинг бутун кучимизни, ёш қалбларимизнинг бор кўрини шу ишга сарфлаймиз.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, ТошПИ профессори Г. Н. Молчанов қуйидагиларни таъкидлади: ҳукуматнинг юксак мукофотидан руҳланган институтнинг профессор-ўқитувчилар коллективи инженер кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кучгайратларини кўпайтиради, ўқларининг билимлари ва тажрибасини сафийлик билан ёшларга ўргатадилар. В. И. Ленин Ўрта Осиёда олий таълимнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган эди. Келажакнинг ёш биноқорларини ленинча меҳрибонлик билан эътибор бериб тарбиялаш, улар учун ғамхўр мураббий бўлиш кекса авлоднинг бурчидир.

Тантанали мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).



Биринчи космонавт — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевич Гагарин.
(Бу сурат 1963 йилда олинган бўлиб биринчи марта босилмоқда).
Н. Акимов репродукцияси. ТАСС фотохроникаси.

БУГУН — КОСМОНАВТИКА КУНИ

ЗВЕЗДНИЙ ШАҲАРЧАСИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ БАҲОРИ

Самовий космонавтика солномаси бу йил ўзининг йигирма йиллигини нишонлайдиган Звездний шаҳарчаси календари кетидан абадий қувиб бораверади.

Бу шаҳарча кишда ҳам, ёзда ҳам кўм-кўк қарағайзор ва арчазорлар билан қурщалиб туради. Бунинг номи ҳам илгари ялпил шаҳарча деб юритилар эди. Журналистлар ўз репортажларида унинг номини ўзгартириб, Звездний деб атай бошладилар. Космонавтлар яшаб, меҳнат қиладиган ҳозирги оппоқ гиштин поселка территориясида иккита пастқам иморат сақланиб қолган. Бизнинг космик академиямиз мана шу биноларда иш бошлаган эди. Уларнинг бирида техника салтанати — космик кемалар сиғиб қўриладиган ускуналар жойлашган бўлса, иккинчисида медиклар ишлашар эди.

Биз космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой билан шу ерда учрашиб, Звездний диёрини сайр қилдик.

— Бизнинг шаҳарчамиз ўз территорияси жиҳатидан ҳам аҳолисининг кўплиги жиҳатидан ҳам беқиёс ўсди, — деди Г. Т. Береговой. — Янги қурилган замонавий таълим корпусларида айни вақтда бир неча космик программаларни амалга оширишга тайёргарлик кўриш мумкин.

Яқиндагина учишни бошқариш таълим маркази жиҳозланди. Яна бир янги бино қад кўтарди — иккинчи болалар боғчаси ишлай бошлади. Демакки, бизга биттаси етмайдиган бўлиб қолди.

— Дастлабки йилларнинг қайси анъаналари марказнинг иш тажрибасида яшаб келаяпти?

— Биз ўзимизнинг дастлабки қадамларимизга 20 йил чўққисидан назар ташлаб, янги касб сирларини ўзлаштиришни тажрибали учувчиларга ишониб топшириш билан хато қилмаганимизни мамнун бўлиб қайд этамиз. 1960 йилда космонавтлар тайёрлаш марказига келган дастлабки группа пишиқ-пухта танлаш натижасида тузилганини, унда ҳар бир номзоднинг учиш маҳорати ва соғлиги баб-баравар ҳисобга олинганини эслатиб ўтаман. Ҳозир ҳам тингловчиларимиз асосан самовий касб соҳиблари дир. Аммо марказнинг таълим базасида граждан касб кишилари — инженерлар, врачлар, олимларни экспедицияда қатнашишга қисқа муддатда тайёрлаш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор.

Одатда космосдан қайтиб келган экипажга шаҳарчанинг жами аҳолиси пешвоз чиқадиган кенг проспект— Космонавтлар ҳиёбонидан ўтиб бораяпмиз. Биз билан шаҳарча йўлакасида бамисоли ёнма-ён одим ташлаб бораётгандек туюлувчи ер юзининг биринчи космонавтининг бронза ҳайкали ўз дўстларини биринчи бўлиб табриклаб қутиб олади.

Космонавтлар тайёрлашнинг техника базаси йил сайин такомиллашмоқда. ГДР халқ корхонаси — «Карл цейс йена» мутахассислари ускуналаб берган планетарий яқиндагина ишга тушди. Бу йил қад кўтарган гаройиб бир бинога кирамиз. Унда ҳам планетарий каби космик архитектура услуби — ишоналари сезилиб турибди — айланасимон ойна цилиндрнинг ташқи енгил дюксимон металл билан қопланган. Бу ҳовуз — чўмилиш учун эмас, барча космонавтларнинг сув остида ишлаши учун мўлжалланган. Гидро муҳит, деб аталмиш шу ҳовуз турли операцияларни вазнсизлик шароитида пишиқтириш учун жуда қулай восита бўлиб чиқди. Ҳовуз иллюминаторлари орқали унинг тубига туширилган «Салют»— «Союз» комплексининг худди ўз ҳажмига тенг келадиган макети туширилиб қўйилганини кўрамиз. Космонавтлар очиқ космосга чиқиш программасига мувофиқ таълим машқини ўтказишларини кузатамиз.

— Совет космонавтлари отряди ўзининг йигирма йиллигини ўз дўстлари — социалистик мамлакатларнинг космонавтлари даврасида нишонлайди, — дейди Г. Т. Береговой. — Чехословакия, ГДР, Польша ва Болгариянинг тадқиқотчи космонавтлари биргаликдаги экспедициядан куч синаб олганларидан кейин, Венгрия, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба, Монголия, Руминия вакиллари бўлгуси парвозларга ҳозирлик кўрмоқдалар.

«Интеркосмос» программасига мувофиқ ўтказилган дастлабки халқаро учишларнинг натижалари самовий фазогирларнинг интернационал отрядида муносиб ўринбосарлар ўсиб вояга етганини кўрсатди. Улар — довюрак, меҳнатсевар, ўз ишини биладиган кишилардир. Дастлабки учиш нашъасини сурган дўстларимиз ерга қайтиб тушганларидан кейин Звездний шаҳарчаси тўғрисида алоҳида меҳр-муҳаббат билан гапирмоқдалар. Улар бу шаҳарчани самовий дўстлик пойтахти, деб атамоқдалар. Бу пойтахт тўртинчи космик беш йиллиннинг тугалловчи йилига куч-қувватга тўлиб, кириб бормоқда.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ.
Звездний шаҳарчаси.
(ТАСС).



«Плакат» нашриёти космонавтика кунига бағишлаб нашр этган серияли асарлардан бири. Рассом В. Викторовнинг бу плакати «Октябрь мамлакати — космонавтика ватани» деб номланган.
ТАСС фотохроникаси.

ҚАЛБ АМРИ



В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводига келганимизда вақт тушликка яқинлашган эди. Завод партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Маҳмуд Расулов билан корхона ишчи-хизматчиларининг доҳий юбилейига тайёргарлиги ҳусусида суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, шу пайт «Завод радиоузелидан гапиramиз»: «бугун биз Сизларни «Ленин ордени кавалерлари ҳақида ҳикоялар» туркумидан навбатдаги радиоочеркимизни тинглашга таклиф этамиз, — деган овоз янгради.

Бу очерк корхонанинг илғор ишчиларидан Ленин ордени кавалери, коммунист А. Вдовинга бағишланган эди. Сўнгра цехлар ва бригадалараро социалистик мусобақанинг бориши ҳақида қисқача ахборот эшиттирилди.

— В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб кутиб олиш юзасидан олиб бораётган тадбирларимиз муваффақиятли амалга оширилмоқда, — дейди М. Расулов. — Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисидаги қарорини жанговар ҳаракат программаси сифатида яқдиллик билан қабул қилган эди. Шунга жавобан яқинда «Ленинчисига, коммунистчасига яшейлик, ишлайлик ва курашайлик» кун тартиби билан биринчилар қатори очиқ партия йиғилиши ўтказдик. Йиғилиш кўтаринки рухда ўтди.

Доҳий юбилейи шарафига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақада завод меҳнаткашларининг 96 процентдан кўпроғи иштирок этмоқда. 740 ходим, бир цех, 3 участка, 12 бригада коллективи беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Корхонада Анвар Муҳамедов, Акмал Умаров, Александр Вдовин, Светлана Кувшинова, Дмитрий Минеев каби ўнлаб пешқадам ишчи-бошлиқ участка коллективи март ойи сўнгги декадасининг ғолиби деб эълон қилинди. Кўчма вимпел, фахрий ёрлиқ ва 350 сўм пул мукофоти тантанали суратда шу коллектив аъзоларига топширилди.

Бугунги кунда 4 минг ишчи-хизматчи коммунистик меҳнат эгарбдори номига эга. Мингдан зиёд киши ана шу ном учун курашмоқда. 3 цех, 15 участка, 33 бригада коммунистик меҳнат коллективидир. Янгийўлликларнинг сафимизда қолоқлар бўлмасин ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланмоқда. 19 участка, 142 бригада мунтазам топшириқни оширибгина қолмай, ишлаб чиқаришга эришмоқда, корхонада биронта ҳам қолоқ ишчи йўқ!

Технологияни такомиллаштириш, юксак унумли дастгоҳларни жорий этиш, хомашё ва материалларни тежаш, топширилган иш учун ҳар бир кишининг масъулиятини оширишга эришилганлиги туфайли беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш ҳажмини 2,1 марта кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини 1,9 марта ошириш имконини берди.

Доҳий юбилейи нишонланадиган қутлуғ кун яқинлашиб келмоқда. Мана шу шонли санага атаб корхонанинг 1350 ишчиси, икки цех, 14 участка, 45 бригада коллективи беш йиллик топшириқларини уддалаш вазифасини олганлар.

Бу йил заводга жаҳон пролетариати доҳийси, улуғ йўлбошчимиз В. И. Ленин номи берилганига 20 йил тўлади. 1960 йили буюк даҳо В. И. Ленин таваллудига 90 йил тўлган кезларда электрон-техника заводи пойтахтдаги энг пешқадам корхоналардан ҳисобланган ва меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришгани учун ана шу шарафли номни олишга муяссар бўлганди. Ушандан бери завод «коллективи ушбу муқаддас номга содиқ бўлиб, қолмоқда. 1966 йилда янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилгани ва меҳнатдаги юқори кўрсакичлари учун завод олий мукофот — Ленин ордонига сазовор бўлди. Ушбу корхонада Ленин ордени кавалеридан ўн бир киши меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида ўтказиладиган меҳнат байрамига ҳам қизғин тайёргарлик кетмоқда. Барча цех, участка, бригада коллективларининг қилади-ган иши олдиндан белгилаб қўйилган. Шу куни икки норма бажариш истагини билдирувчилар сони ортиб бормоқда. Кўпгина маҳсулотлар тежалган хомашё ҳисобига тайёрланиб, шанбаликдан тушган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади. «Қизил шанбалик» куни корхона бўйича топшириқни 125 процентдан ошириб бажариш мўлжалланмоқда.

Куни кеча корхона коллективи В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига аввалги олиб кетган социалистик мусобақанинг биринчи квартали якунини кўриб чиқди. Коллектив, барча цех ва бригадалар ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятларининг бу давр учун белгиланган қисмини зиёдаси билан уддалабди.

Ҳа, электрон-техника заводи коллективи «Зарбдор меҳнатимиз, қалб қўримиз, ғайрат-шижоатимиз билан Ильич номини доим оқлаймиз» демоқдалар.

М. МИРАЛИЕВ.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ КОРХОНАЛАР

лернинг номлари шараф билан тилга олинади.

Масалан, наладчачи Анвар Мирзаевич Муҳамедов ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Узининг беш йиллик топшириғини 1978 йилнинг май ойида уддалашга эришган бу ишчи, ҳозир 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришдек юксак мажбурият олган А. Муҳамедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ўнлар ташаббусини бошлаганларнинг биридир.

Корхона ишчи-хизматчиларининг таҳсинга сазовор тадбирларидан яна бири «В. И. Ленин юбилейи шарафига — 8 зарбдор декада» шиори остида бошланган мусобақадир. Барча цех, участка, бригадаларда кенг тарқалган бу мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, ғолиблар кўчма вимпел, Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Мастер А. П. Стадников ишлайлик» кун тартиби билан биринчилар қатори очиқ партия йиғилиши ўтказдик. Йиғилиш кўтаринки рухда ўтди.

Доҳий юбилейи шарафига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақада завод меҳнаткашларининг 96 процентдан кўпроғи иштирок этмоқда. 740 ходим, бир цех, 3 участка, 12 бригада коллективи беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Корхонада Анвар Муҳамедов, Акмал Умаров, Александр Вдовин, Светлана Кувшинова, Дмитрий Минеев каби ўнлаб пешқадам ишчи-бошлиқ участка коллективи март ойи сўнгги декадасининг ғолиби деб эълон қилинди. Кўчма вимпел, фахрий ёрлиқ ва 350 сўм пул мукофоти тантанали суратда шу коллектив аъзоларига топширилди.

Бугунги кунда 4 минг ишчи-хизматчи коммунистик меҳнат эгарбдори номига эга. Мингдан зиёд киши ана шу ном учун курашмоқда. 3 цех, 15 участка, 33 бригада коммунистик меҳнат коллективидир. Янгийўлликларнинг сафимизда қолоқлар бўлмасин ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланмоқда. 19 участка, 142 бригада мунтазам топшириқни оширибгина қолмай, ишлаб чиқаришга эришмоқда, корхонада биронта ҳам қолоқ ишчи йўқ!

Технологияни такомиллаштириш, юксак унумли дастгоҳларни жорий этиш, хомашё ва материалларни тежаш, топширилган иш учун ҳар бир кишининг масъулиятини оширишга эришилганлиги туфайли беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш ҳажмини 2,1 марта кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини 1,9 марта ошириш имконини берди.

Доҳий юбилейи нишонланадиган қутлуғ кун яқинлашиб келмоқда. Мана шу шонли санага атаб корхонанинг 1350 ишчиси, икки цех, 14 участка, 45 бригада коллективи беш йиллик топшириқларини уддалаш вазифасини олганлар.

Бу йил заводга жаҳон пролетариати доҳийси, улуғ йўлбошчимиз В. И. Ленин номи берилганига 20 йил тўлади. 1960 йили буюк даҳо В. И. Ленин таваллудига 90

ЖОНКУЯР ПРОПАГАНДИСТ

Турғунбой аканинг Ленин номли колхоз партия комитети қошидаги сиёсий маориф тўгарагида пропагандистлик қилиб келаётганига 15 йил бўлди. У шу йиллар мобайнида ишчанлиги, лекторлик маҳорати билан коммунистлар ўртасида катта ҳурмат қозонди.

Актив коммунист бу йил «Марксча-ленинча таълимот ва колхоз ишлаб чиқариши» курсида пропагандистлик қилмоқда. Курсга 94 коммунист жалб қилинган. Тингловчилар онгига марксча-ленинча таълимотни чуқур сингдиришда ҳаётий мисоллар, кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланмоқда. Бу ўз навбатида тингловчиларнинг ўтилган темаларни пухта ўзлаштиришларига кўмак бермоқда.

Жонкуяр пропагандистнинг асли касби ўқитувчилик. 20 йилдирки, Менделеев номли 63-мактабда севгап фани (— ўзбек тили ва адабиётидан ёшларга таҳсил бериб келади. У ёшларни илм-фан сарчашмаларидан баҳраманд этиш билан бирга жамоат ишларида фаол қатнашиб, партия ташкилоти топшириқларини фидокорлик билан бажармоқда.

О. ТЎРАҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ҚЎЗИЛАТИШ ИЛҒОРЛАРИ

Тошкент районидаги Ленин номли колхоз чўпонлари меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар пландаги 684 бош қўйни олиб, планни ортиги билан бажардилар. Колхозда ҳозиргача ҳар 100 совлиқдан 102 бошдан қўзи олинди.

Йилларда қўзилатиш давом этмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ҲУКУМАТНИНГ СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ҚОБУЛ, 10 апрель, (ТАСС). Пактиё вилоятининг шимолидаги Саидкарам шаҳрида ҳар хил пушту кабилалари, деҳқонлар ва хизматчилар вакилларининг оммавий митинги бўлиб ўтди. Мана шу жанубий-шарқий вилоятнинг губернатори Ҳамид Момайез йиғилиш аҳли ҳузурида сўзга чиқиб, шуни таъкидладики, Афғонистоннинг душманлари Апрель революцияси ўртага кўйган вазифаларни амалга ошириш йўлида қийинчиликлар ва тўсиқлар вужудга келтиришга, афғон халқининг ҳаётида даҳшат ва саросималик туғдиришга уринаётганликларини таъкидлади. У вилоят аҳолисини мамлакат мустақиллиги ва территориал бутунлигининг душманларига муносиб зарба бермоқ учун жипслашга даъват этди.

Қобул вилояти губернаторининг Қалларгом, Муҳаммадоға, Баракибарак уездлари меҳнаткашларининг вакиллари билан учрашуви меҳнаткашлар Афғонистон раҳбарларининг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлиги кўрсатувчи ёркин намойишга айланиб кетди. Афғонистон раҳбарлари мамлакатда осойишталикни, нормал меҳнат ҳаётини таъминлаш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар, ички ва ташқи реакция кирдикорларига қарши тинимсиз кураш олиб бормоқдалар.

ЭРОН—ИРОҚ МУНОСАБАТИ КЕСКИНЛАШМОҚДА

БАҒДОД, 10 апрель, (ТАСС). Ироқ газеталари саҳифаларида Эронга қарши кампания давом этмоқда. Ироқ ҳукуматининг газетаси «Ал жумхурия» жумладан бундай деб ёзади: «Эрон раҳбарлари ўзларининг революциясини қўшни мамлакатларга ёйишни ҳам орзу қилмоқдалар».

ТЕҲРОН, 10 апрель, (ТАСС). Эрон революциясининг раҳбари оятилло Хумайни Эрон гражданларининг Ироқдан чиқариб юборилганлиги муносабати билан Эрон халқига мурожаат қилди. Ироқ режими Хумайни «ҳато қилаётганлигини ва мусулмон халқлар бу режимнинг кўзини очиб қўйишини билиши керак».

НЬЮ-ИОРК, 10 апрель, (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг ҳабар беришича, Ироқ маъмурлари «Эрон мухожирларига Хумайни ҳукуматини агдариб ташлаш гоясига тарафдор бўлган қуролли гуруҳларни туэишга рухсат бердилар». Гарчи Америкапинг расмий кишилари бу группа Америкадан ҳеч қандай ёрдам олмайди ва Вашингтон билан боғланган эмас, деб айтган бўлсалар ҳам, бу ердагилар АҚШ Эрон билан Ироқ ўртасидаги можарони ҳамон эътибор билан кузатиб бормоқда», деб уқтириб ўтади газета.

«Қўшма Штатлар, Ироққа дипломатия йўлини топишни ўрганишдан манфаатдордир» деб таъкидлайди газета.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **ҚОБУЛ.** Қобул билан Афғонистоннинг Бамиён вилояти ўртасида транспорт алоқаси тикланди. Шу вилоят аҳолиси билан қуролли кучлар жангчиларининг бирғаликдаги куч-ғайратлари натижасида довонлар қордан қисқа фурсатда тозаланди, аксилинқилобчи босмачиларнинг хуружлари натижасида шикастланган кўприклар тикланди, йўл участкалари ремонт қилинди. Босмачилар шу вилоят билан Афғонистоннинг пойтахти ўртасидаги транспорт алоқасини бузишга уринган эдилар.

● **СОФИЯ.** Русе шаҳридаги босма схемалар заводи «ЕС-1035» маркали янги моделдаги ҳисоб машиналари учун деталларни кўплаб ишлаб чиқара бошлади.

Халқаро социалистик меҳнат тақсимотида кенг кўламда қатнашиш, қардош мамлакатлар билан қалин ҳамкорлик Болгария электрон саноатини жадал ривожлантиришга ёрдам берди.

● **КОПЕНГАГЕН.** Данияликлардан минглаб кишилар фашизм қурбонларини хотирлаш учун Копенгагеннинг марказий майдонига йиғилдилар. Бундан роппа-роса 40 йил илгари Гитлер Германияси Данияни босиб олган эди.

Ўшандан бери анча вақт ўтган бўлса-да, Данияда фашистлар қилган зулм унутилгани йўқ, деди Дания қаршилик ҳаракатининг собиқ қатнашчиси Х. Расмуссен. (ТАСС).

ЭРОН АРМИЯСИ ВА ХАЛҚИГА ХИТОБНОМА

ТЕҲРОН, 10 апрель. (ТАСС). Ислом Революцион кенгаши армия ва халққа хитобнома эълон қилди. Хитобномада, жумладан, бундай дейилади: «Биз ғалаба қозониб ҳамда эркинлик, мустақилликни ва Ислом республикасини эълон қилар экамиз, Америка ўзининг асл моҳиятини намоён этишини олдиндан сезган эдик, биз АҚШ ва унинг қўғирчоқлари томонидан бўладиган ҳужумларни билар эдик. Шу кун етиб келди. АҚШ президенти ўзининг сўнгги нутқида Эронга қарши сиёсий ва иқтисодий жазо чораларини қисман қўлланиш тўғрисида эълон қилди. Гаровга олинган кишилар тўғрисидаги масала бунинг учун баҳона бўлиб хизмат қилмоқда, АҚШ президенти ўз ҳукуматининг империалистик » муддаоларини ана шу масала билан ниқоблашга уринмоқда. Аммо биз Эронда империалистларнинг қўлини чопиб ташлаган Эрон революцияси асосий сабаб эканлигини биламиз. АҚШ Эрон революциясига тоқат қилолмаяпти, чунки бу революция Эроннинг АҚШга қарамлигига чек қўйди».

«Иттилоот» газетаси Вашингтоннинг Эрон билан дипломатия муносабатларини узиш тўғрисидаги қарорини шарҳлаб, АҚШни «маданиятли мамлакат» қилиб кўрсатишга уринаётган кишиларни қаттиқ танқид қилади. Халқимиз, деб уқтиради газета, бу мамлакатни бир гуруҳ империалистик монополиялар бошқараётганлигини билиб қўйиши керак. Ана шу монополиялар бутун дунёга рак шишидек ёйилиб, инсониятнинг қонини сўрмоқда. Бунинг устига АҚШ «эркин дунё йўлбошчиси» ролига даъво қилмоқда!

Қўшма Штатлар, деб таъкидлайди «Иттилоот» газетаси, ҳукмдорлар ва жаллодлар режимларини мазлум халқларнинг қаҳр-газаби билан ҳимоя қилмоқ учун дунёнинг ҳамма районларига авианосецлар ва сув ости немаларини юбормоқда. Ана шу кучлар ҳомийлик қилаётганлиги сабабли ҳам ҳозирги вақтда Садат ва бошқа ҳукмдорлар яшаб турибдилар.



САЛЬВАДОРДА отишмалар давом этмоқда, бомбалар портламоқда, қон тўкилмоқда. Полиция ва хавфсизлик органлари, ўнг террорчилар илғор сиёсий, касаба союз ва студентларнинг раҳбарларидан айёсиз ўч олмоқдалар. АҚШ Сальвадор реакциясига сиёсий ва ҳарбий ёрдам кўрсатмоқда. Суратда: мавжуд реакцион тузум душманлари қамоққа олинмоқда.
ТАСС фотохроникаси.

ОЛИМЛАР МАҲАЛЛАДА

Яқинда «Янги Тошкент» маҳалласи клуби одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан қизиқарли кеча ўтказилди. Кечага В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ўқитувчиларидан доцент В. Аҳмаджонов, тарих фанлари кандидатлари С. Солиев, У. Амиров ва бошқа ўртоқлар ташриф буюрдилар. Уларнинг «Ленин ва шарқ халқлари» мавзуида қилган докладлари маҳалла аҳолисида катта таассурот қолдирди.

«Билим» жамияти Собир Раҳимов район ташкилоти уюштирган бу кеча сўнгида район маданият уйи ҳаваскорлари ижросида катта концерт бўлди.

Мухтор АБЗАЛОВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ИККИНЧИ ПОЯФЗАЛ фабрикаси республикамиз пойтахтининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Пойафзалчилар унинчи беш йиллигининг якунловчи йилида ҳам унумли меҳнат қилмоқдалар. Давлат планлари ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришяпти. Шу йилнинг ўтган ойларида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори 50 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Корхона ишчилари шу йилнинг 19 апрелида доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбалигина ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Барча пойафзалчилар бу умумхалқ ҳашарида бир тан, бир жон бўлиб қатнашишга аҳд қилдилар. Ҳозир шанбаликка қизғин тайёргарлик кўриляпти. Айрим цехлар, участкалар коллективлари, бригадалар ва айрим ишчилар юксак мўлларини белгиламоқдалар. Ўнлаб пойафзалчилар шанбалик куни ўнинчи беш йиллик шахсий планларини бажарганликлари ҳақида рапорт беришга аҳд қилишди. Еш ишчилардан Гулнора Динаева, Холида Толибоева, Мавжуда Шокировалар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари қизил шанбалик куни шундай маррани эгаллашмоқчи.

Умумхалқ ҳашарида корхона бўйича 2100 киши қатнашади. 1640 пойафзалчи меҳнат постида бўлади. 7500 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг нами билан 12 минг сўмлиги тежаб қолинган материаллар ва хом ашё ҳисобидан тайёрланади. Бундан ташқари, корхона территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади.

Э. НОРБЕКОВ.

„ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА"НИ ВАРАҚЛАГАНДА

КПСС Марказий Комитетининг ҳафталик «Экономическая газета»нинг навбатдаги 14-сони ўқувчиларга тақдим этилди. Бу сонни ўқиган пропагандист ва агитаторлар ўзлари учун бой маълумот тўплай оладилар.

Газета 2-ДнепроГЭС қурилиши ҳақидаги катта мақола билан очилади. Маълумки, ДнепроГЭС ленинча ГОЭЛРО плани асосида 1932 йилда қурилган эди. Уруш йиллари душман уни вайрон қилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» асарида ГЭСни қайта қуриш соҳасида олиб борилган кураш қизиқарли формада ифодаланган. Ҳозир ДнепроГЭС қуввати яна ҳам ошиб, 1488 минг киловаттга етган.

Газета материалларининг каттагина қисми В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган. Мақолаларда мамлакатимиз саноати нақадар тез суръатлар билан ривожланаётганлиги факт ва рақамлар билан асослаб берилган. Совет халқининг турмуш фаровонлиги, миллий даромад ҳам йил сайин ошиб бораяпти. 1913 йилга нисбатан СССРда миллий даромад 73 марта, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 157 марта кўпайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса уч ярим марта ошди.

Газетада Ўзбекистонимиз экономикасига оид ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Республикамизда 1913 йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 73 марта кенгайди. Кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқаришда биз жаҳонда олдинги ўринларда бормоқдамиз. Берилган бу факт ва рақамлардан пропагандист ва агитаторлар ўз суҳбатларида кенг фойдаланишлари мумкин.

Бепоён диёримиз советлар замонида ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнамоқда. Социалистик демократия тантанаси, СССР Конституцияси билан инсон ҳуқуқи гарантияланганлиги ҳам махсус мақолаларда ёритилган. Бизда ҳамма нарса инсон бахт-саодати учундир. Шу шиор остида бажарилаётган ишлар газетада кенг ёритилган.

Мақолаларнинг бир қисми социалистик ҳамдўстлик самаралари ҳақида ҳикоя қилади. Социализм дунёси йил сайин ривожланиб камол топмоқда. Тобора кўпроқ кишилар бизнинг системамизга меҳр билан боқмоқдалар. Улар биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленининг назарий меросини қунт билан ўрганмоқдалар.

В. И. Ленининг назарий мероси бизга коммунизм қуриш қуроли бўлиб хизмат қиласпти. Совет ҳокимияти даврида СССРда В. И. Ленин асарлари 117 тилда 14170 марта 541,2 миллион нусхада чоп этилган. Чет мамлакатларда ҳам доҳий асарлари кенг тарқалмоқда. Улар 62 чет эл мамлакатида 8 минг мартадан кўпроқ босиб чиқарилди. Доҳий туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида чиқариладиган янги асарлар тўғрисида ҳам газета хабар қилган.

Газета социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш бўйича идеология кадрларига қимматли маслаҳатлар берган. Иқтисодчиларнинг сиртқи мактаби, консультациялар бўлими материаллари ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Л. БЕКШЕНЕВ,
область «Союзпечать» ходими.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ИДЕОЛОГИК, СИЁСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Тадбирларимиз давримизга муносиб бўлсин!

ПАРТИЯМИЗ XXV съезди белгилаб берганидек, меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш бутун идеологик ишимизнинг мазмунини ташкил этади. Янги авлод кишисини вояга етказиш, коммунистик муносабатларни қарор топтириш руҳи кундалик ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларимизда ёрқинроқ акс этаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Дарҳақиқат, бугунги бекиёс тараққиёт, халқ хўжалигининг гуркираб ўсиши мамлакат экономикаси ва қудратининг муттасил юксалаётганлиги, халқ моддий турмуш даражасининг тинмай ўсиб бораётганлиги, улуғвор беш йилликларда белгиланган кўп қирралн вазифалар зўр муваффақият билан амалга оширилаётганлиги янги коммунистик жамиятнинг нурли уфқларини тобора яқинлаштирмоқда. Бу эса шубҳасиз, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан ташқари меҳнаткашларда юксак коммунистик онг ва марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ бўлган хилма-хил мураккаб масалаларни ҳал этиш билан изчил равишда шуғулланиш, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принципларини ҳаётга жорий этиш учун ҳужумкорлик билан кураш олиб бориш, ҳаётбахш совет турмуш тарзини ёрқин ва таъсирчанлик билан кенг пропаганда қилиш, инсон шахсини улуғлайдиган активлик ҳаётий позицияни қарор топтиришни тақозо этади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ахлоқий тарбия асосий ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, совет турмуш тарзини активлик пропаганда қилиш, кишиларимизнинг маънавий баркамоллигига эришиш, тараққиётимизга ҳамон тўсқинлик қилаётган баъзи эскилик иллатлари, зарарли урф-одатларга қарши курашни кучайтиришни кундалик турмушимизнинг ўзи, замонамизнинг зайли, даврнинг руҳи ҳамда порлоқ истиқболимиз талаб этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ана шу масалаларнинг ғоят актуаллиги алоҳида таъкидланиб, коммунистик тарбия соҳасидаги янги масъулиятли вазифалар аниқ белгилаб берилди. Ана шу қарор кундалик фаолиятимиз учун жанговар иш программасидир.

Идеология ходимларининг яқинда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида эса мазкур қарорни бажариш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар умумлаштирилиб, галдаги вазифалар кўрсатиб берилди. Ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишларни янада яхшилашнинг янги-янги истиқболлари белгилаб берилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси коммунистик тарбия мавзуларини малакали ёритиб бориш, совет турмуш тарзи ва давримизга мос янгича замонавий маросимларни кенг тарғиб қилиш, уларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш, коммунистик ахлоқ ва одоб мавзуларида кенгроқ фикр юритиш, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида редакция ҳузурида «Коммунистик ахлоқни пропаганда қилиш» бўлими ташкил этди. Бўлим ҳузурида эса жамоатчилик совети тузилди. Совет йирик педагог олимлар, илмий ходимлар, маҳалла комитетларининг раислари, ЗАГС органларининг мудирлари, таниқли санъаткорлар, ишчилар синфининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборатдир.

Яқинда ана шу жамоатчилик совети аъзоларининг редакция коллективи билан учрашуви бўлиб ўтди. Мунозара тарзидаги суҳбат давомида бўлим фаолиятини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, газета саҳифаларида коммунистик ахлоқ мавзуидаги материалларни мунтазам ёритиб бориш, янгича маросимларни изчил тарғиб этиш, совет турмуш тарзининг буюк афзалликларини ёрқин ҳаётий мисоллар билан таъсирчан тасвирлаш, юксак турмуш маданияти учун кураш, умуман коммунистик тарбия мавзуларининг ғоявий-сиёсий ва бадиий савиясини янада кучайтириш хусусида гап юритилди, фикр-мулоҳазалар айтилди, хилма-хил таклифлар ўртага ташланди.

Қуйида ана шу давradаги суҳбат мазмуни ва «Коммунистик ахлоқни пропаганда қилиш» бўлими ҳузуридаги жамоатчилик совети аъзолари томонидан баён этилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Суратда: «Тошкент ҳақиқати» коммунистик ахлоқ бўлими ҳузуридаги жамоатчилик Совети аъзолари: (чапдан биринчи қатор)—Мавжуда Саматова—СССР Олий Советининг депутати, Фавзия Сайфуллина—Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли қишлоқ Советининг раиси, Нусрат Валиева—педагогика фанлари кандидати, Саломат Темурова — педагогика фанлари кандидати, Сора Эшонтўраева — СССР халқ артисти, Саодат Маҳмудова — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ойсара Умурзоқова—фалсафа фанлари доктори, Хотима Шайхова — фалсафа фанлари кандидати, (иккинчи қаторда чапдан) Севара Иброҳимова—Тошкент шаҳар ЗАГС бюросининг мудири, Маҳмуд Мўйдинов—«Ташсельмаш» заводининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Маҳамадраҳим Ҳусанов — Тошкент шаҳар К. Маркс номли маҳалла комитетининг секретари, Зокир Миртурсунов — педагогика фанлари кандидати (совет раиси), Комилжон Ҳошимов—педагогика фанлари кандидати.

А. Абалян фотолари.

ЮЗГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

Нусрат ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари кандидати

ЧИНДАН ҳам нуқсонни ҳолисона, принципиаллик билан очиқ айтишга ҳосият кўп. Ҳар қандай дарднинг олдини олган маъқул. Ахлоқ-одоб ҳусусида сўз юритганда баъзан умумий мулоҳазалардан, насиҳатомуз гаплардан нарига ўтолмай қоламиз. Баҳоланган, оммани қизиқтираётган, уни ташвиш ва ҳаяжонга солаётган, конкрет фикр юритса арзийдиган муаммолар бор ҳали. Ана шулардан бири — социалистик яшаш принципларига қатъий риоя қилиш масаласидир. Афсуски, ахлоқ-одоб доирасидан четга чиқаётганлар учраб туради. Бундай кишилар ҳақида аниқ ва конкрет фикр билдирсак, уларнинг ҳатти-ҳаракатига қарши жамоатчилик фикрини кўзгатсак, яшаш ва ишлаш жойларини маълум қилсак.

Ҳаётни гўзал қилиш, турмушни янада фаровон қилиш — бу ҳамманинг иши. Бунинг учун курашмоқ керак. Турмушнинг лаззатидан ташқари ўзига хос машаққатлари, аччиқ-чучуги ҳам бўлади. Ҳаммасига бардош бериш, умумхалқ манфаатларига бўйсуниш, ҳар кимдан тантиплик ва олижаноблikни талаб қилади. Ана шу хислатларни ҳар кимда мужассамлашишига эришиш ахлоқимизнинг олий принципларидан биридир. Худди шу принципни бузувчини жамоатчилик муҳокамасига қўйишни зарур деб ҳисоблайман.

ЧИНАКАМ ТАЪЛИМ—ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Маҳмуд МЎЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводининг бригада бошлиғи,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

ДУНЁДА ҲАР бир одамнинг, ҳар қандай касб эгасининг устози бўлади. Ҳақиқий устоз, чинакам таълим мустақил ҳаётга, эзгуликка ўргатиш демакдир. Ўзимдан қиёс. Суягим меҳнатда қотди. Обрў-эътибор, иззат-икромларнинг боши — ҳалол меҳнат. Меҳнатга бўлган ихлос ва иштиёқни дастлаб ота-онам ва устозларимдан ўргандим. Не-не буюк одамларнинг ҳам устозлари бўлган. Ҳеч кандай эътирозга ўрин йўқ, яхши устозлар ғоятда кўп. Лекин мен бугун баъзи бир сал бошқачароқ «устоз»лар ҳақида гапирмоқчиман.

Фараз қилинг, мустақил меҳнат бошлаган ўспирин, ёш ниҳол-навда биринчи маошни олди. Шунда бояги «устоз» биринчи маошни «ювиш»га шаъма қилиб қолди. Шогирд нима ҳам десин, жон деб уни ва бошқаларни таклиф этди. Шундай қилиб маош «ювилди». Шундай қилиб ҳали мўйлаби сабза урмаган йигитча уйга сархуш кириб келди. Гап бу ерда сарф бўлган маблағда эмас, гап шундаки у биринчи меҳнат ҳақини ичкиликдан бошлади. Биринчи маошини «ишшонлаш»нинг бошқача, фойдалироқ йўли йўқмикин. Бор, албатта, менимча.

Қани энди, ўша «устоз» ўз шогирдига «Бу гал албатта волиданг ва падарингга бирор нарса ол, оилангни қувонтир бугун» деса-ю, у билан бирга шу ҳонадонга келиб, шогирдини оила олдида биринчи маош билан табрикласа... Бу — ёшларни ишчилар синфи сафига кузатишдек янгича маросим билан ҳамоҳанг-ку! Мақсадим — навдалар бежо бўлмаслиги, уларга чинакам устозлик қилсак.

Яна бир ҳусусда икки оғиз сўз. Ишчи-ёшлар ётоқхонаси тарбия ишларининг марказига айланмоғини истардик. Таассуфки, бунга етарли эътибор берилмаяпти, ишчи-ёшлар ва студентлар ётоқхоналарида маданий-оммавий ва сиёсий-тарбиявий ишлар кўнгилдагидек эмас. Ёшлар бўш вақтларини қандай қилиб ўтказадилар, бу билан унча қизиқмаймиз, уларни ўз ҳолига ташлаб қўямиз.

Аслида янгича маросимларни ўтказишда ётоқхоналардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ишчилар синфига қабул қилиш, меҳнатдаги илк бор ютуқларини, мустақил иш бошлаганлигини муборакбод этиш каби маросимларни ётоқхоналарда ташкил қилса бўлмасмикин.

ЯНА ТЎЙЛАР ҲАҚИДА

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти

МЕН яна шу тўғрида фикр юритмоқчиман. Тўйлар ҳақида баҳслар, мунозара ва мулоҳазалар кўп айтилган, айтилади ҳам. Чунки урф-одатларимиз қадимий анъаналаримиз ичида энг оммавийси, кўп ўтказиладиган маросимлардир. Моддий турмушимиз фаровон бўлган сари орзу —ҳавас ҳам кўпайиб боряпти. Бу яхши. Тўй устига тўй бўлаверсин. Мен тўй билан боғлиқ учта масалани ўртага ташламоқчиман. Биринчиси, тўйларимизни тамоман янгича, ортиқча исрофгарчилик ва ҳаражатлардан ҳоли, замонавий бўлишини истардим. Ҳар икки томонни қийнаб, беҳуда удумлар, ортиқча олди—бердиларга не ҳожат Ахир, тўкликка шўхлик инсофдан эмас-ку! Пешона тери билан пул топган киши ҳар бир тийинининг қадрига етади. Икки томон ўзаро келишиб, енгилгина никоҳ кечаси ўтказиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйса бўлади-ку.

Иккинчи мулоҳаза, билмайман, кўпчилик нима дейди, аммо мен куёв-келининг тўй куни киядиган сарпоси ҳақида демоқчиман. Тўғри, ҳар ким ўз дини, орзу-ҳавасига монанд кийим танлаши мумкин. Лекин ана шу кийимлар бежирим ва шу кунга мунасиб бўлса яхши бўлардн. Келинларнинг ок либос кийиши, юзни майин қоплайдиган пардали фата тақиши маъқул. Оқлик — яхши ният, умид рамзи. Бироқ, кўзёвга қимматбаҳо чет эл матоларидан тикилган жимжимадор зарбоф чопон кийдириш, бошига жиғали салла ўратиш шартмикин? Масалан, мен ана шундай кийимда қадимий шаҳзодаларни кўз олдимга келтираман. Кескин фарқ бор. Келин деярли замонавий. Ҳатто европача кийимда. Куёв эса докиюнусдан қолган жиғали саллада. Бунга кўпчилик нима деркин?

Учинчиси, тўйлар базмсиз, санъаткорсиз ўтмайди, албатта, ўйин-кулги, куй ва рақс, лапар, ёр-ёр тўйга руҳ бағишлайди, кизитади. Бу ҳам яхши. Бироқ, ҳаддан ортик шовқин-сурон: етти маҳаллага етадиган радио карнайларга ҳожат йўқ. Ўша давранинг ўзига мос базм ясалса бўлади-ку. Давра қатнашчилари ўтиришни ўзлари қизитсалар. Санъаткорларимиз тўйларда холисонилло хизмат қилишса.

Тўйларимизга янги, юқоридаги мулоҳазаларга даҳлдор бўлмаган яна бир муҳим жиҳатни ҳам қистириб кетмоқчи эдим. Зеро, бу даврада асосий мавзу ахлоқ-одоб ва тарбия ҳусусида боряпти.

Қиз бола бамисоли нозик гул. Уни ҳамиша бегубор кўргинг келади. Иффат, назокат ва шарм-ҳаё қизларимизнинг доимий ҳислати бўлса дейлмиз. Ички гўзаллик, маънавий бойлик уларнинг ташқи гўзаллиги билан уйғунлашиб кетмоғи лозим. Кўпчилик қизларимиз шундай. Бироқ, девзира гуруҳдан тош чиқиб қолгани каби жамоатни, атрофдагиларни, ҳатто ўз ота-онасини менсимайдиган, беодоб қизлар ҳам учраб туради. Бундайлар, йигитлар орасида ҳам бор. Уларнинг беўхшов кийинишлари, жамоатчилик кўз олдида энг нозик ҳис, пинҳоний тутилиши лозим бўлган туйғуларнинг оёқ ости қилинишидан кўплар афсус чекишади.

Модомики, ахлоқ-одоб ҳақида сўзлар экан, ана шулар ҳусусида ҳам очиқ фикр баён этишимиз, қизларимизни иболи, йигитларимизни дилкаш, ҳамиятли қилиб тарбиялаш учун курашмоғимиз зарур.

РЎЗҒОР ТУТИШНИ ЎРГАТАЙЛИК

Мавжуда САМАТОВА,
ўқитувчи, СССР Олий Советининг депутати

ЭЛ-ЮРТ орасидамиз, ошитамиз, дуч келамиз, кўрамиз. Эндигина турмуш курган ёш оилада нотинчлик, ё қайнота-қайнона норози, ёки келин-куёвнинг ўзлари. Сабаби: келин рўзғор тутишни билмайди. Хонадонда орасталик йўқ.

Келин эрка ўсган, уйда «аяшган», ўргатишмаган, янги оилада янгидан бошлашга бўйин ёр бермайди. Жаңжал арзимас нарсадан чиқади, деганларидек, зиддият бошланади, ўртада совуқчилик. Баъзан иш ажрашишгача бориб етади.

Бундай нохуш аҳволнинг олдини олса бўлади-ку, ёшларни рўзғор тутишга бошдан ўргатиш керак. Буни онлада, ҳатто билим даргоҳлари ва ишхоналарда ҳам уқтириб туриш керак. Масалан, «Шодлик» бахт уйи ҳузурида жамоатчилик совети бор. Унинг аъзолари малакали мутахассислар, врач-гинеколог, тарбиячи, педагог, пазанда ва ҳоказо. Улар уй-рўзғор тутиш, янги оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси ва бошқа масалалар бўйича суҳбатлар ўтказадилар, фойдали маслаҳатлар берадилар.

Бундай тажрибани кенг оммалаштириш, ёшларга рўзғор тебратишни эринмай ўргатиб бориш зарур. Буида мен оилалар, ота-оналар, эгачи-сингилларнинг бебаҳо ролини эслатиб ўтмоқчиман. Қуш уясида кўрганини қилади, Ёшлар рўзғор ишлари бўйича дастлабки эсдан чиқмайдиган сабоқни уйда олишлари керак. Ота-оналар уларни ҳаддан ортиқ «папалаб» эркалатиб қўймасинлар. Кейин пушаймон ейдилар. Фарзандларни меҳнатсевар, эпчил ва бор-йўққа қўнадиган қилиб вояга етказмоқ бурчимиздир. Айрим ота-оналарнинг тантик, эркатойлари мактабда ўқитувчиларни ҳам қийнашади, менсимайди, ташқи қиёфа олиб-тагарчилик ва зеб-зийнатга қурбон бўлиб қоладилар.

Тарбияга путур етказаётган сабабларнинг бири ана шу! Унинг олдини олиш, ёшларни чидамли, саботли, уй-рўзғор тутишга қодир қилиб тарбиялаш ота-оналарнинг ҳам, педагогларнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам бурчидир.

ОНАСИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ОЛ...

Саломат ТЕМУРОВА,
педагогика фанлари кандидати

МЕН юқорида айтилган «Ёшларга рўзғор тутишни ўргатиш керак» деган фикрни қўллаб-қувватламоқчиман. Жуда тўғри. Рўзғор юритиш бўйича махсус консультация уюштириш ва маслаҳатлар бериб туриш зарур. Қизларимиз кўпинча ўқиш ёки ишни баҳона қилиб уй юмушларидан четлаб коладилар, мустақил турмуш куришга етарли тайёрланмайдилар.

Буининг учун онаҳонларимиз, ота-сингилларимиздан гина қилмоқчиман. Оналардаги, хонадон соҳибаларидаги энг яхши ҳислатлар фарзандларга ўтиши керак. Орасталик, иффат ва саранжом-саришталик. Тежамкорликни қизларга ота ўргатмоғи лозим. Лекин айрим оналар: «қизим эрка ўсган, у кийналмасин, дейман» кабилида иш тутадилар. Қизининг эгилмаслигига бефарқ карайдилар. Бу кони зиён. Кейинча қизнинг ўзига жабр бўлади.

Биз аҳлоқ-одоб, янгича маросимлар, коммунистик тарбия ҳақида иш олиб борарканмиз, масаланинг ана шу томонларига жиддийроқ карашимиз лозим бўлади. Бунда педагоглар билан оиланинг ҳамкорлик ролини кучайтириш керак. Тарбия мавзуидаги мақолаларда янги ҳаёт қураётган ёшларимизга маслаҳатлар бериб борсак, онда тебратишни янгича замон руҳида ташкил қилиш йўл-йўриқларини кўрсатиб борсак, менимча хайрли иш бўлади.

ИМКОНИЯТ БОР-У, ҲАФСАЛА ЙЎҚ

Саодат МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги мактабгача болалар муассасалари ва маданият бошқармасининг бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

АҲОЛИ ТУРМУШ маданиятини юксалтириш, айниқса қишлоқларда юксак маданий турмуш учун кураш ҳозирги энг асосий вазифаларимиздан биридир. Янгича анъана ва маросимларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш худди ана шу масала билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки давр талаб қилаётган юксак турмуш маданиятига эришмай туриб, кишиларнинг яшашини бирданига янгича қилиш, барча замонавий маросимларни қарор топтириб юбориш қийин, албатта.

Турмуш маданияти учун чинакам ҳужумкор юриш бошламоқ керак. Жойларда маҳаллий, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва колхоз-совхозларнинг раҳбарлари бошланғич партия ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида иш тутишлари ғоят муҳимдир.

Қишлоқ маданияти ҳақида шуни айтиш мумкинки, ҳозир кишлоқ жойларда маданий турмушни барқарор эттириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика партия ва ҳукумати бунга алоҳида гамхўрлик кўрсатмоқда. Республика ҳукуматининг қарори билан ҳамма колхозларда маданий-оқартув ишлари бўйича раис ўринбосарларини тайинлаш иши муаллак бўлиб турипти. Ваҳоланки, бу янги қадам замон талаби, бунга зарурат бор. Уни амалга оширишнинг имконияти бор. Фақат кунт ва ҳафсала, амалий ҳаракат йўқ. Турмуш маданиятини юксалтириш билан боғлиқ мавзулар ҳақида фикр юритилганда ана шу муҳим масалаларнинг ҳал қилиниши тақдирини мунтазам ёритиб борилишини таклиф қилардим.

Дафтардан ёисетилган

ФАРРОҲ-УЛ-ҚЛУБ

(Диллар роҳати)

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фондида сақланаётган асарлар орасида «Фарроҳ-ул-қлуб» — диллар роҳати, деб номланадиган нодир китоб бор. Унинг автори Абдураҳмон ибн Қурбонбекдир. Бу асар 20 фаслдан иборат бўлиб, ақл-заковат шарофатлари мадҳ этилган. Газетхонларга шу асардан айрим парчаларни ҳавола қиламиз.

* * *

Ақл-бедаво дарднинг давоси ва номаълум дарднинг сафоси.

Ақл-андоқдурки, кўнгил шоҳига вазир, муҳаббат мурғига парвариш бирла бол пар сочар.

Оқил улдурки, ишончдарахтини устирса ва доно улдурки, кўнгилни адолатга улаб сўз деса.

Оқил—ақл ишлатиб оламни очар, ноақл ўзини тавсиф қилмоқ била сирини очар.

Оқил —ақл бирла кўнгилларни овлар, ноақл сўзи бирла кўнгиллар ғамга тўлур.

Ақл гавҳари дурри бебаҳо — ноақл тошни уштар.

Ақл сипаридурки,— пўлат; ноақл бемазмун ўқ отар.

Ақл ганжидурки—посбони сабр ва қароқчиси — тил.

Ақл нур сочувчи зиё; жабр, зулм ва кўнгилларни ранжитиш нодонларга хос.

Оқил ақл бирла камолга етар, ноақлни жаҳли ошиб нари кетар.

Тўпловчи
С. ЗУФАРОВ.

Одобсизлик дунёдаги ҳамма нарсанинг душманидир. Тан-бадан оғриғи, эринчоқлик, журъатсизлик, ишёқмаслик бебаракалик, уятсизликнинг ҳаммаси одобсизликдан келиб чиқади.

* * *

Етук олим бўлса ҳам, Давлатманд одам бўлса ҳам,
Паҳлавон одам бўлса ҳам, Аҳлоқ-одоби бўлмаса
бундай кишилар худди
пуч ёнғоққа ўхшайди,
Абу Али ибн Сино.

* * *

Кишининг аҳлоқу одоб
нла хизмат этар
сал ўтмай унга эл итоат этар.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

* * *

Яхши хулқ шоҳлик, бойликдан яхшироқ,
Соф табиат тиллагавҳардан яхшироқ
Керак бўлса обрў
еламда,
Яхши аҳлоқ бўлсун
одамда.

САЪДИЙ.

ДАВРАНИНГ бошқа қатнашчилари ҳам коммунистик ахлоқ-одоб, совет турмуш тарзи ва янги урф-одатларни фаол тарғиб қилиш, меҳнаткашларнинг кундалик турмушига сингдириш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар ҳусусида мулоҳаза ва таклифларни ўртага ташладилар, қимматли маслаҳатлар бердилар.

Редакция коллективи уларни умумлаштириб, вақти-вақти билан газетхонлар муҳокамасига ҳавола қилиб туришга қарор қилди.

Шу муносабат билан юқорида кўтарилган масалалар бўйича сизнинг ҳам маслаҳат, таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз, қадрли газетхон.



Бахтимиз учун курашган-ларга ҳамиша таъзим қиламиз.



Олам гулга

бурканган бугун,

Яна баҳор —

чеҳралар гулгун...

А. Тўраев фотоэтюди.

Спорт

«БЎСТОН»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган командалар ўтган куни навбатдаги учинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Республикамиз вакиллари Жиззахнинг «Бўстон» командаси Одессада маҳаллий армиячилар билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғолиб келди. Уч турдан сўнг жиззахликлар 4 очко билан жадвалда пешқадамлар сафида бораётганлиги қувонарлидир. Ўтган мавсум иккинчи эшелонда ғолиб келиб, биринчи лигага йўлланма олган «Бўстон» чемпионатнинг биринчи ва иккинчи ўйинларини Запорожьенинг «Металлург» ва Симферополнинг «Таврия» командалари билан ўтказиб, ғалаба қилган эди. Агар «Металлург» билан бўлган ғалаба мухлисларни ҳаяжонга селмагани бўлса, биринчи лиганинг етакчи ва кучли коллективларидан ҳисобланган «Таврия»дан очко олиш команда учун ҳам, унинг ишқибозлари учун ҳам қувончли бўлди.

Жиззах футболчиларига мухлисларга яхши таниш бўлган собиқ пахтакорчи Аҳрол Иноятов бошчилик қилмоқда. Бу коллективда Владимир Филатов, Рустам Мирсодиқов, Юрий Басов, Борис Серостанов, Анатолий Могильний, Вячеслав Ширин, Фахриддин Мусаев сингари тажрибали ўйинчилар билан бир сафда ғобилияти ёшлар ҳам ўйнамоқда.

ФИНАЛДА ҚАТНАШИШАДИ

Пионер ва ўқувчилар ўртасида шашка бўйича команда биринчилиги мусобақалари ҳамиша оммавий ва кескин ўтади. Бу сафарги ана шундай бахсда ҳам жуда кўплаб шашка мухлисларидан дона суришди. Чирчиқдаги 8-мактаб спортчилари 24 имкониятдан 19,5 очко тўплаб биринчи бўлдилар ва Ўзбекистон спорт шарафини Бутуниттифоқ мусобақасида ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Тошкентдаги 208-мактаб командаси 18 очко билан иккинчи ўринни олди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР БАХСИ

Андижонда спорт гимнастикаси бўйича республика чемпионати давом этмоқда. Спорт мастери программаси асосида аёллар мусобақасида «Спартак» жамияти вакили Лола Суюнсаодатова 35,2 балл билан биринчи бўлди. Фарғоналик Лариса Минкова 34,9 балл билан иккинчи ўринни эгаллади. Тошкентлик «Локомотив» вакили Татьяна Осипова билан «Буревестник» аъзоси Ира Булкова 34,1 балл тўплаб учинчи ва тўртинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

Кеча эркаклар ўртасида мажбурий программа бўйича бахслар бўлди.

ЭРТАГА — МАМЛАКАТ ОСМОН ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚЎШИНЛАРИ КУНИ

ҲАМИША ЖАНГОВАР ШАЙ ҲОЛАТДА

Мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа авиацияси қўмондони, авиация генерал-лейтенанти Н. И. МОСКВИТЕЛЕВ.

Ҳар йили апрель ойининг иккинчи якшанбасида мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни нишонлаш анъана бўлиб қолди. Бу байрам шу қўшинларнинг Улуғ Ватан урушидаги ва тинч даврда алоҳида муҳим вазифаларни бажаришдаги хизматларини нишонлаш юзасидан белгиланган. Осмон ҳужумидан мудофаа қўшинларини осмон посбонлари, доимо жанговар шай қўшинлар деб атайдилар. Улар тинч даврда ҳам жанговар вазифани бажарадилар, ватаннинг осмон чегараларини ҳимоя қилиш соҳасидаги жанговар навбатчиликда сергак турадилар.

Қўшинларимизнинг шахсий состави Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини ғоят ишончлилик билан маъқуллайдилар. Шахсий состав КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумидаги ва унинг Москва шаҳри Бауман округи сайловчилари ҳузуридаги нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни жанговар программа, деб қабул қилди. Жангчилар ўз олдиларида турган вазифани шараф билан бажаришни — Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг армиялари билан мустаҳкам жанговар ҳамдўстликда социализм ғалабаларини ишончли равишда ҳимоя қилишни ўз бурчи деб биладилар.

Катта жанговар йўлни босиб ўтган мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари шонли тарихга ва бой анъанага эгадирлар. Бу қўшинлар В. И. Ленининг ташаббуси билан 1917 йил октябрида тузилган дастлабки самолётга қарши батареялардан ривожланиб чиққан. Граждан уруши алангасида учувчилар, артиллерячилар, пулемётчилар, прожекторчилар мисли-сиз қаҳрамонлик кўрсатиб, бошқа қўшинлар билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, жанговар вазифаларни ҳал этдилар ва революция душманларини тор-мор этишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Капиталистик мамлакатларда авиация тез ривожланиб, унинг урушдаги роли ўсиб бораётган бир шароитда мамлакатимиздаги осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари умумдавлат аҳамияти касб этди.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилган вақтда мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари қайта қуролланаётган пайт эди. Шундай бўлса ҳам жангчилар урушнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб қуруқлик ва флот осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳамда Ҳарбий Ҳаво кучларининг қирувчи авиацияси билан биргаликда душман авиациясига қарши оғир жангларда унга катта талофат етказдилар.

Улар Москва, Ленинград, Сталинград, Курск яқинида, Днепр бўйида, Воронеж, Новороссийск бўсағасида, Белоруссияда ва бошқа жойлардаги жангларда, шунингдек мамлакат ичкарисидаги муҳим объектларни мудофаа қилишда душман устидан ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшдилар. Европанинг кўпгина мамлакатларини фашистлар асоратидан халос қилишда, милитаристик Японияни тормор этишда қатнашдилар.

Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача қўшилмалар, қисмлар ва бўлинмалар душманнинг 7213 та самолётини уриб туширдилар, ердаги душманга қарши жангларда 1000 дан ортиқ танк, 1500 га яқин тўп ва миномёт, шунингдек душманнинг бошқа кўпгина жанговар техникасини яксон қилдилар, кўплан-кўп аскарларини қириб ташладилар. Ватан осмон ҳужумидан мудофаа жангчиларининг жасоратини юксак баҳолади. Қўшинларнинг учта қўшилмаси ва 26 та қисми гвардиячи номини олди. Кўпгина қўшилмалар ва қисмлар фахрий номлар билан аталди, СССР орденлари билан мукофотланди. 80 мингдан ортиқ солдат, сержант, офицер ва генерал юксак мукофотлар билан тақдирланди, 92 та жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, қирувчи учувчи капитан А. Карпов эса шу унвонга икки марта сазовор бўлди.

Совет осмони посбонларининг ҳозирги авлоди мана шу жасоратлар билан фахрланади, жанговар анъаналарни муқаддас тутиб, ардоқлаб асрайди ва кўпайтиради. Улар фронтчиларнинг ғоявий эътиқодини, уларнинг улуғ Ленин ишига, партия ишига садоқатини, уларнинг оташин ватанпарварлигини ўзларига курол қилиб олмоқдалар. Жангчиларимиз ҳарбий маҳоратни чуқур эгаллаш учун куч ва ғайратини аямайдилар.

Ҳозирги мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қўшинлари уруш пайтидагидан ва урушдан кейинги дастлабки йиллардагидан мутлақо фарқ қилади. Коммунистик партия билан Совет давлатининг доимий ғамхўрлиги туфайли бизнинг қўшинларимиз осмон чегараларини ҳимоя қилишнинг энг замонавий воситалари билан таъминланган, бу воситаларга фан ва техниканинг жами энг янги ютуқлари сингдириб юборилган. Улар қудратли ва самарали зенит ракетаси, авиация ва радиолокация техникаси билан қуролланган. Бу техника жуда баланд диапазонда тез учиб бораётган душман самолётини кечаю-кундуз, ҳар қандай об-ҳаво шароитларда аниқлаб, яксон қилиш имконини беради. Бизнинг қисмларимиз турли радиоэлектрон аппаратлар, автомат бошқарув системалари, тез ишлайдиган алоқа воситалари билан етарли равишда таъминланган.

Қуролли Кучларнинг барча жангчилари каби мамлакат осмон ҳужумидан мудофаа қўшинларининг шахсий состави ҳам КПСС XXV съезди талаблари руҳида жанговар ва сиёсий тайёргарликнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш учун сабот ва зўр ғайрат билан курашмоқда. (ТАСС).

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

ҲАЛОЛЛИК

Тирбанд автобус сўнгги бекатга яқинлашгани сари йўловчилар ҳам камайиб борарди. Борис Абрамович Ренов анча пайтдан буён ёнидаги бўш ўриндиққа «дипломант» папкаси турганлигига эътибор берди. У ўзи тушадиган бекатга яқинлашиб қолганлиги учун автобусдаги йўловчилардан бу кимнинг папкаси эканлигини сўрай бошлади. Аммо, «дипломант»нинг эгаси топилмади.

Борис Абрамович аввалига нима қилишини билмай ўйланиб қолди. Сўнг пойтахтнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги 18-уйда «Топилмалар бюроси» борлиги эсига тушиб, ўша томон йўл олди. Бюрода «дипломант»ни очиб кўришса, ичидан бир неча фотоаппарат, пул ва ҳужжатлар чиқди. Бу ҳужатлар Новосибирскдаги ҳарбий билим юртининг курсанти В. К. Васильевичга тегишли эканлиги аниқланди.

Топилмалар бюросининг ходимлари тезда Новосибирск шаҳрига хабар йўллашиб, В. Васильевичдан Тошкентда бўлган пайтида қандай буюмларни йўқотганлигини маълум қилишни сўрашди.

Жавоб хатлар «Дипломант» папкаси ва унинг ичидаги буюмлар аниқ кўрсатилган эди. Шундан сўнг Топилмалар бюросининг ходимлари йўқолган нарсаларни ўз эгасига жўнатишди.

Ҳарбий билим юрти курсанти В. Васильевич пойтахтдаги «Марказ-1»да истиқомат қилувчи Б. А. Ренова йўллаган мактубида совет кишисига хос фазилати учун унга самимий миннатдорчилик билдирди.

— Иш фаолиятимизда шаҳримиз аҳолисининг ҳалоллигларини исботловчи бундай мисолларга ҳар куни жуда кўп дуч келамиз, — дейди Топилмалар бюросининг бошлиғи Петр Николаевич Кожанов. — Мана хозиргина хонамизга Чилонзорнинг 5-кварталидаги 40-уйда яшовчи Д. А. Душкина кириб келган эди. Унинг қўлида 700 сўм пул. Бу ҳалол аёл қурилиш олиб борилаётган участкада кимдир йўқотган пулни топиб олибди. Уйлаймизки, эрта-индин йўқолган пул ўз эгасига қайтарилади.

Ҳа, ҳар куни бу ерга юзлаб тошкентликлар транспортда ва бошқа жойларда унутиб қолдирилган турли буюмлар ҳамда ҳужжатларни келтиришади. Ана шундай топилмалар ҳақида ўнлаб кишилар телефон орқали хабар ҳам қиладилар. Ҳалол кишиларнинг бундай фазилатлари туфайли шаҳримизда йўқолган буюмлар кўп ўтмай ўз эгасига қайтариляпти.

ЕМОННИНГ КАСОФАТИ

ХИЁНАТ

Ўз ҳалоллиги билан кўпчилик орасида обрў-эътибор топаётганлар жуда кўп. Лекин афсуски, қинғир ишга қўл уриб, нопок ҳаёт кечириш йўлини танлаб олишга ҳаракат қилувчилар ҳам ахён-ахёнда учраб туради. Улар орасида ёшларнинг ҳам борлиги, айниқса, ачинарлидир.

Мана Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхозда истиқомат қилувчи Салимжон Қўйбоқаров. У яқинда 17 ёшга кирди. Касб-ҳунар ўрганиш, билимини ошириш ўрнига нопоклик билан кун ўтказишга жазм қилди. Уғирликка қўл урди.

Уйчи ўйлагунча, тавакkалчи ишини битирган экан. Салимжон ҳам кўп ўйлаб ўтирмади. Уғирликни ён қўшнисиникидан бошлади. Ярим кечада аввалдан белгиланган йўл орқали Соттибой Чоршановнинг молхонасига ўтиб олди. Отилдаги қўйларнинг семизини арқонга боғлади-да, изига қайтди.

Қолган ишга қор ёғар деганларидек, Салимжон ҳам темирни қизиғида босди. Гира-ширада қўйни етаклаб район марказидан бозорга етиб келди. Бозордаги даллоллар хўп яхши. Уларга ширинкома бўлса бўлгани. Ким кўп чўзса, ўшанга ён босиб, савдо-сотиқни қилаверадилар. Мол кимники, қаердан келтирилган, бу масала уларни сира қизиқтирмайди.

Салимжон ҳам даллолга пулни кўпроқ чўзган эди, иши тезгина битди. Харидор ҳам топилди. Қўйни 175 сўмга «бор-барака» қилишди.

Қинғир ишни ҳамиртдан қил суғургандай осонгина бажарган Қўйбоқаров қўйни гум қилиб, бошини хум қилиб уйига қайтди.

Қўшниси Соттибой акачи? Эрталаб турса, қўй йўқ. У изларни пайқаб қолди. Қўй изи Соттибой акани тўғри ўғрининг уйига бошлаб борди. Жабрланувчи воқеа тафсилотидан район ички ишлар бўлими ходимларини хабардор қилди. Милиция ходимларининг олиб борган ишлари тезда ниҳоясига етди. С. Қўйбоқаров ўз айбига иқрор бўлди.

Яқинда Урта Чирчиқ район халқ суди содир бўлган жиноий ишни кўриб чиқди. Суд айбдорнинг ҳали балоғат ёшига етмаганлигини назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилмасликка қарор қилди. Унинг тарбияси билан меҳнат коллективида шуғулланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шунинг учун ҳам С. Қўйбоқаровнинг жазоси олти ойлик мажбурий меҳнат билан алмаштирилди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

ЛОЛАЗОРЛАР ПАЙҲОН БЎЛМАСИН

ТОҒ сўқмоғи бўйлаб юқорилаб бормоқдамиз. Баҳор аллақачоноқ табиатни поэзия уйқусидан уйғотган. Бутун борлиқ яшил либосга бурканиб, қир-адирлар ўз ҳусни-жамолини кўз-кўз қилади. Кўз илғамас адирликлар кўм-кўк.

Бирдан кўзимиз майсалар оғушида чўғдек ёниб турган қип-қизил лолага тушади. Кўзнинг тушади-ю, бутун вужудинг яйраб кетади. Баҳор мўъжизаси кишига ажиб бир кайфият, руҳан тетиклик бахш этади.

Ўрта Осиё лолалари баҳор гуллари ичида энг чиройлиси ҳисобланади. У об-ҳавога қараб март ойининг иккинчи, апрель ойининг биринчи ярмида тоғ ён бағирларидаги қир ва адирликларда очилади. Чиройи билан кўнгилларни ўзига беихтиёр ром этади.

Бу гуллар тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихдан маълумки, лолалар ўз вақтида Амур Темур боғларини ҳам безаган. Бу гуллар ўрта асрларда Эрон ва Туркияда ҳам кенг тарқалган.

Ҳа, баҳорнинг гўзаллиги лолалар билан янада серфайз ва фусункордир. Афсуски, кейинги йилларда лолаларни эҳтиётлаш, уларни авайлаб асрашга кам эътибор берилаётир. Кўплар лола сайлига ўз автомашиналарида чиқишади. Баъзан бу машиналарни кенг буғдойзорлар ичида ҳам кўриш мумкин. Улар ғилдираклари билан экинни ҳам, лолани ҳам пайҳон қилади. Сайлга чиққанларнинг айримлари эса очилиб турган лолани пичоқ билан суғуриб олишгача борибетадилар. Табиийки, келгуси йил бу ердан мафтункор гул бошқа униб чиқмайди.

Афсуски, яна шундай кишилар ҳам борки, улар лола воситасида бойлик орттиришади. Табиатнинг ноёб бойлигини бозор учун юладилар, талон-тарож қиладилар.

Шанба ва якшанба кунлари лола сайлидан қайтаётган кўплаб шахсий автомашиналарни, мотоцикларни кўриш мумкин. Йўловчиларнинг кўлида меёридан ортиқ лолалар бўлади. Кун ўтмаёқ бу гуллар сўлиб, ўз қадр-қийматини йўқотади.

Демак, лолаларни эҳтиётлаш, авайлаб асраш керак. Чунки, улар инсон саломатлигини муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гуллардан учиб чиқувчи модда — фитонцидлар турли зарарли микробларни йўқ қилади. Атроф муҳитни тозалайди. Шундай экан, лолалар баҳорда ўлкамиз ҳусн-жамолини доим кўз-кўз қилиб турсин.

В. УРИЦКИЙ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



В. И. ЛЕНИН номли марказий музейнинг Тошкент филиали залларидан бирида.

И. Глауберзон фотоси.

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФИ

МАҲАЛЛАГА МИРОБ КЕРАК

Янгиариқ маҳалласи обод ва кўркамлиги туфайли бир вақтлар «Боғ маҳалла» деб ҳам аталар эди. Унда ўнта кўча бўлиб, ҳаммаси довдарахтлар билан қуршалган, 10 мингдан ортиқ мевали ниҳоллар экилган эди. Маҳалла мироби, Носирхон Асомов ёз ойларида кўчалардаги дарахтларни суғориб, куз ва баҳор пайтларида эса ариқларни тозалаш, кўчатлар ўтказишга бошқош эди.

Бундан уч йилча илгари район ободончилик бошқармаси маҳаллага мироб шарт эмас, деган важ билан бу вазифани қисқартирди. Натижа нима бўлди денг? Шу муддат ичи ариқларимиз сув юзини кўрмай қўйди. Кўпгина мевали дарахтлар қовжираб қурий бошлади. Айрим хонадонлардаги водопровод кранларидан оқинди билан мағзава қўшилиб чиқиб, оқибатда айрим кишилар ҳовлилари рўпарасидаги ариқларни қўмиб юбордилар. Бу шусиз ҳам камайиб кетган ниҳоллар сонини янада қисқартирди.

Мана баҳор ҳам бошланди. Маҳалла кўй аҳли кўп йиллардан буён давом этаётган анъанага мувофиқ яна дарахт экишга киришди. Ҳаким Султонов, Икром Қосимов, Умар Каримов каби миришкорлар, зора бу йил ариқларимизда сув оқса, деган илинж билан қуриган дарахтлар ўрнига янгидан мевали дарахт кўчатлари ўтказмоқдалар. Кўплаб ўрик, шафтоли ва олхўри ниҳоллари, ток кўчатлари экилди.

Аммо маҳалла аҳлини наҳотки бу йил ҳам сув ўрнига мағзава оқса, меҳнатимиз яна зое кетса, деган фикр ташвишлантирмоқда.

Киров район ижроия комитети раҳбарлари, район ободончилик бошқармаси маҳаллаларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини яхшилаш тадбирларини кўриб, мироблар билан таъминласа жуда фойдали иш бўлур эди. Яхши ният билан экилган кўчатлар барвақт ўсиб, шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшаверарди.

Маҳалла аҳли номидан
А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва гражданлар ДИҚҚАТИГА

область матлубот кооперациясининг

ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик хом ашёларини қабул қилиш бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР.

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшчик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган суммани 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Райондаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

Тошкент область ижроия комитетининг МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАРНИ

ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларга пул нафақаси берилади.

Тўқимачилик институти ва техникумига ўқишга кирувчилар учун имтиёзлар берилади.

Эҳтиёжи бўлганларга қулай жиҳозланган ётоқхонадан жой берилади.

Справкалар олиш учун область, шаҳар ва районлардаги меҳнат бўйича вакилларга ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига мурожаат этилсин; Тошкент шаҳрида, Привокзальная кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 33-84-84, 33-81-21.

1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ 143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлайди: пойафзал бошлигини бичувчи (ўқиш муддати — 2 йил), заготовка тикувчи (2 йил), пойафзал тикувчи (1 йил), контролёрлар, маҳсулотни қабул қилувчи (2 йил), электромонтёрлар (2 йил), слесарь (механик) (2 йил), аёллар сумкасини тикувчилар (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлар тўгараги мунтазам равишда ишлаб туради.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, практикада ишланадиган иш ҳақининг ярми (50 проценти)ни оладилар.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирганларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, фотосурат (6 та 3х4 см.).

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (54-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.10 — АВВГДейка. 10.40 — Ульяновлар оиласи. 1-кўрсатув. 11.10 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.40 — Спортлото. 11.55 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 12.25 — Москвичка. 13.45 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 14.30 — Эрмитаж. Қадимий Греция санъати. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар.16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Фильм-концерт. 16.55 — Инсон, Ер, Коинот. 17.55 — Жаҳон халқларининг ижоди. 18.25 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов сўзи. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.30 — Ленин Октябрда (бадиий фильм). 21.30 — Время. 22.05 — Ер, биз узоқ муддатга кетяпмиз... Ҳужжатли фильм. 23.05 — Космонавтика кунига бағишланган концерт.

ТОШКИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 11.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.40 — Бунн ҳамма билиши ва уддалаши керак. 12.10 — Иккинчи она тилимизни ўрганамиз. 12.40 — Ўзбекистон, Олимпиада йилида. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 14.15 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Санъат гунчалари. 19.10 — Ленинча альбом, 5-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эртага — премьера. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Х. Охунова концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Замонамиз қаҳрамонлари. 22.20 — Оловнинг бўйсундирилиши. (бадиий фильм, 2-серия).

«Ташгортрансэкспедиция» бирлашмасининг 007351 дан 007375 номергача бўлган йўқолган

КВИТАНЦИЯ ДАФТАРЧАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325643; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 13817. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1584.